XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТЕЗИСЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

## МАКТУБЛАР, ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

## Гулойхон сўз сўрайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатликка кимни муносиб кўрасизлар, деб халққа мурожаат қилганимизда ҳамма бир овоздан Гулойхоннинг номини тилга олди,— дейди «Ленинизм» колхози партия комитети секретари Тўйчибек Елибоев.— Ҳозир у делегат сифатида меҳнат коллективлари билан учрашиб, одамларнинг сўзларига қулоқ тутаяпти, бамаслаҳат конференция муҳокамасига муносиб муаммоларни ҳисобга олаяпти.

Ҳ. Олимжон номли колхоз аъзолари билан бўлган учрашувда пахтакорларга тўланаётган иш ҳақининг камлиги, бунинг устига пахта харид нархининг арзонлиги ҳақида гап кетди. Колхозчилар турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам берувчи таклифлар ўртага ташланди. Ломоносов номли мактаб коллективи билан бўлган учрашувда эса ислоҳот муаммолари тилга олинди. Кўпгина хўжаликларда фақат мавсумий боғча ва яслилар бор холос. Қишлоқ хўжалиги мавсуми тугаши билан улар ҳам ёпилади. Боғча тарбиясини кўрмаган болалар эса 6 ёшлилар программасини ўзлаштиришда қийналмоқдалар. Болаларнинг билимдонлигини ошириш учун йил бўйи ишлайдиган боғчалар керак.

Учрашувда социал объектлар ремонти ва жиҳозлар учун махсус фонд зарур деган фикр билдирилди. Шунда боғча ва мактаблар, касалхона ва кутубхоналардаги шароитлар бир мунча яхшиланган бўларди.

Автотранспорт корхонасида ишчи ва хизматчилар қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш билан боғлиқ муаммоларни ўртага қўйдилар. Сўзга чиққан коммунистларнинг бир қисми терим мавсумида агрегатларни бошқарганликлари учун ҳам терим техникаси имкониятларини яхши билиб олишган. Ҳозирги терим машиналари пахтакор талабига тўла жавоб бермайди. Уларни бошқариш қийин, нархи қиммат. Бунинг устига пахтани тўкиб теради. Натижада пахтачиликда қўл меҳнатидан кўп фойдаланиляпти. Бу пахтанинг таннархини қимматлаштириб юбораяпти. Конференцияда пахтакор республикаларни унумли ва қулай терим машиналари билан таъминлаш зарурлиги ҳам тилга олинса, кўпчиликнинг дилидаги гаплар ифодаланган бўларди.

Гулойхон ҳар бир учрашувда кўтарилаётган масалаларни диққат билан тинглаб, ён дафтарчасига ёзиб бораяпти. Одамларда энди лоқайдлик белгилари кўринмаяпти. Ҳамма қайта қуришни жадаллаштиришга ҳисса қўшиш иштиёқида. Дарҳақиқат партиямиз XXVII съездидан кейинги даврда ҳаётда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳар бир киши қалбига ғайрат ўтини ёқмоқда. Одамлар ҳаётга бошқача кўз билан қараяптилар. Камчиликларга муросасиз бўлишяпти. Бу қайта қуришнинг амалдаги кўринишидир.

— Ҳамма соҳадаги ишлар қайта қурилаётганлиги бизни қувонтирмоқда,— деди Г. Тулипбекова.— Айниқса коммунистлар авангардлиги, бошланғич партия ташкилоти жанговарлиги ошаётганлиги кўпроқ сезилмоқда. Бунда коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси катта ёрдам бераяпти. Ўтган ойларда пассив коммунистлардан беш нафари аттестация қилинмади ва улар очиқ партия йиғилишида сафдан чиқарилди. 9 коммунист эса шартли равишда аттестация қилиниб, партиявий жазо олди. КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида ижтимоий-сиёсий аттестациянинг аҳамияти алоҳида тилга олиниб, тўғри қилинган. Бу муҳим кампанияни мамлакатимиздаги барча бошланғич партия ташкилотларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Конференцияда Гулойхон сўз сўраб мана шулар ҳақида гапирмоқчи. Ҳамқишлоқлар ўртага қўяётган муаммолар албатта ўз ечимини топиши керак.

**Ж. НОСИРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**







✦ СУРАТЛАРДА: ветеран пахтакор Ойтувғон Тулипбеков қизи Гулойхон билан пахта даласида (юқорида чапда); Гулойхон ишдан бўш соатларида ҳамқишлоқлари даврасида бўлиб улар ҳаёти билан яқиндан танишишни яхши кўради. Гулойхон механизатор Тўрақул Рўзиқуловга маслаҳатлар бераяпти.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

## АЛЛО, РЕДАКЦИЯМИ?

**М. ИНОЯТОВ,**
**Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси:**

— Партияга қабул қилишда социал составни ҳисобга олиш, ишчилардан кўпроқ, зиёлилардан камроқ қабул қилиш нотўғри. КПСС аъзолигига касбкоридан қатъий назар қайта қуришнинг ҳар бир илғори, актив совет граждани қабул қилиниши керак. КПСС совет халқи партияси бўлгани учун ҳам «разнарядка»ни йўқотиш лозим.

●

**А. ИСҲОҚОВ,**
**кинофильмлар прокати область идораси директори:**

— Назаримда, партиянинг жонкуяр аъзолари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар йўқ. Борлари ҳам юзаки, таъсирчан эмас. «Коммунист» картинаси каби кишилар қалбига чуқур кириб борувчи кинолентлар яратилишини истардим. Умуман, адабиёт ва санъатимизда коммунистлар образига эътиборни ошириш лозим деб ҳисоблайман.

●

**Л. ҒУЛОМОВА,**
**илмий ходим:**

— XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида илм-фан муаммолари ҳақида, унинг тараққиёти билан боғлиқ кундалик ташвишлар ҳақида атрофлича муҳокама юритилиши керак, деб ўйлайман. Самарасиз илмий ишлар олиб бораётган сохта олимларга қарши қатъий чоралар кўрилиши лозим. Кашфиётлари катта аҳамиятга эга илм соҳибларини рағбатлантириш эса янада кучайтирилсин.

●

**Қ. НАЗАРОВА,**
**Қаҳрамон она:**

— Ўн бир болам бор. Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, турмушимиз фаровон. Тўнғич фарзандларим ишлаб, рўзғорга ёрдами тегадиган бўлиб қолган. Партия ва ҳукуматимизга раҳмат, кенжаларимга ёрдам нафақаси ҳам олиб турибман. Конференция муносабати билан газетада турли истаклар босилаётган экан, менинг истагим ҳам инобатга олинса: Партиямизнинг асосий мақсади — тинчлик учун кураш бўлиб қолсин!

## • «ТАБИАТ ВА ИНСОН» ПОЧТАСИДАН

# ТОШКЕНТ: ОБОДОНЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Унинг бағрида юзлаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишлаб турипти. Шундай шароитда шаҳар ободончилик даражасининг узвий қисми бўлган санитария ҳолати қандай аҳволда? Унинг муаммолари нималардан иборат? Жамоатчи мухбиримиз У. МУҲАМЕДОВ шу ҳақда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғ. Д. РУСТАМОВ билан суҳбатлашди.**

— Шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш,— деди Ғ. Д. Рустамов,— кўкаламзорлаштириш юзасидан ҳар йили кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамай бу соҳада катта камчиликлар мавжуд. Бу шаҳар аҳолисининг норозилигига ва таъналарига сабаб бўлаяпти.

Бу нуқсонлар шунинг учун ҳам содир бўлдики, сўнгги йилларда ноишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган бу соҳага «қолдиқ» принципи асосида муносабатда бўлинди. Шаҳар хўжалигининг етилган муаммоларини ҳал қилишга ниҳоятда кам маблағ ажратилди. Шу туфайли ҳам бугунга келиб шаҳарнинг ободонлашиш даражаси хўжаликнинг уй-жой ва саноат қурилиши каби тармоқлари тараққиёти суръатларидан анча орқада қолиб кетди.

Очиғини айтганда, ҳозирги моддий-техника базаси билан ажратилаётган маблағлар ва ишчи кучи билан шаҳар территориясини ободонлаштириш, аввало унинг санитария ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни тўла ҳажмда ва сифатли амалга ошириб бўлмайди.

Фикримизнинг далили учун фактларга мурожаат қилайлик. Ҳисобларга кўра ҳар йили Тошкент территориясида 1 миллион 300 минг тоннадан ортиқ қаттиқ рўзғор ва бошқа чиқиндилар тўпланади. Уларни ўз вақтида ташиш учун, шаҳарнинг ахлат ташланадиган жойининг узоқлиги ва транспортдан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобга олинса, шаҳарга 900 та машина керак. Ҳозирги вақтда эса ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослашган хўжаликларида бор-йўғи 500 та шундай автомобиль бор.

Албатта, улар эҳтиёжни қондирмайди. Шунинг учун ҳам ахлатларни ташиш учун қўшимча 200 га яқин самосваллар, бортли юк автомобиллари, принцепли тракторларни жалб қилишга мажбур бўлинмоқда. Лекин бундай транспорт воситаларида зичлаштирувчи ва ортувчи қурилмалари йўқ, бу улардан фойдаланишнинг самарасиз бўлишига олиб келяпти.

Ҳар йили чиқиндилар ва ахлатларни йиғиш ҳамда ташиш учун 790 та транспорт воситаси жалб қилинмоқда. Улардан ҳар куни 580—590 автомашина линияга чиқариляпти. Ахлат ташувчи машиналардан фойдаланиш коэффициенти ихтисослашган хўжаликларда 0,672 ни ташкил этаяпти. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги кўпгина шаҳарларда бундай машиналар паркидан фойдаланиш 0,750 гача борган. Шаҳримизда бундай аҳвол шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, районлардаги барча «Автодормехбаза»ларда ҳаракатдаги составни ремонт қилиш ва унга техника хизмати кўрсатиш бўйича мустаҳкам база вужудга келтирилмаган. Эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш ва бошқа материаллар билан таъминлашда ҳам номутаносиблик ҳукм суряпти.

Деярли барча район «Автодормехбаза»лари ниҳоятда ноқулай мослаштирилган территорияларда жойлашган. Улар ёнғинга қарши ва санитария нормаларига умуман жавоб бермайди. Бундай ихтисослашган автохўжаликларда барча ишлаб чиқариш цехлари ва устахоналар жуда тор. Уларда ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш учун ниҳоятда зарур бўлган кўтариш-транспорт механизмлари ва бошқа зарур техника асбоб-ускуналари йўқ. Санитария-маиший шароитлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Республикамиздагина эмас, ҳатто бутун Ўрта Осиёда ахлат ташишга мўлжалланган автомобилларни, уларга тиркаб ишлатиладиган махсус асбоб-ускуналарни капитал ремонт қилиш бўйича завод йўқ. Бу катта қийинчилик туғдирмоқда. Чунки кўпинча арзимаган ремонттtalab бўлиб қолган автомашиналар ҳам кўп вақт туриб қолаяпти. Ихтисослашган автохўжаликларнинг кучлари билан амалга оширилаётган ремонт ишлари кўпинча сифатсиз бўлмоқда. Натижада кўпгина узеллар барвақт яроқсиз ҳолга келаяпти. Бунинг оқибатида хўжаликлар тиркаб ишлатиладиган асбоб-ускуналарни тез-тез алмаштиришга, уларни бортли юк автомобиллари ва самосвалларга ўрнатишга мажбур бўлмоқдалар. Ваҳоланки бу машиналарнинг самарадорлиги уч-тўрт баравар пастдир.

Бундай махсус автохўжаликларда иш шароитларининг ниҳоятда ноқулайлиги натижасида уларни юксак малакали билимдон мутахассислар билан комплектлаш масалалари узоқ йиллар давомида ҳал қилинмаяпти. Ҳозирги вақтда эса район «Автодормехбаза»ларида ҳатто арзимаган масалаларни ҳам ҳал қилишни уддалай олмайдиган кадрлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳаракатдаги составга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ахлат ташувчи машиналар учун қулай маршрут графигини тузиш, транспорт ишини ҳисобга олиш каби арзимаган масалалар айрим ихтисослашган хўжаликлар кадрлари учун катта муаммо бўлмоқда.

Белгиланган қоидага мувофиқ район «Автодормехбаза»лари фақат рўзғордан чиққан чиқиндилар ва кўчада тўпланган ахлатларни йиғиштиришлари ва ташишлари лозим. Амалда эса шундай бўлмаяпти. Улар қурилиш чиқиндиларини, қирқилган шох-шаббаларни, ариқлардан кавлаб чиқарилган лойни, чорва гўнгини ва бошқа шу каби чиқиндиларни ҳам ташишга мажбур бўлмоқдалар. Тўғрироғи уларни шунга мажбур қилишяпти. Агар шундай ахлатлар шаҳарнинг у ёки бу ерида тўпланиб қолса, бунинг учун ҳатто жарима тўлашга мажбур қилинмоқда. Аслида эса бунда район «Автодормехбаза»ларининг ҳеч қандай айби йўқ. Улар бундай чиқиндиларни ташишга мажбур эмаслар. Бу ҳам кўп вақтни олмоқда, махсус автотранспортдан фойдаланишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Амал қилинмаётган яна бир қоида ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса ҳовлиларда ва уй-жой кварталлари территориясида рўзғор ва бошқа чиқиндиларни вақтинча тўплаб қўйиш учун махсус майдонча қуриш ҳақидадир. Санитария талабига мувофиқ ҳар минг аҳоли ҳисобига 30 квадрат метрли махсус майдон жиҳозланиши керак. Бундай майдонларнинг конструкциялари ишлаб чиқилган ва мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ташкил этилмоқда.

Майдончаларни ташкил этиш уй-жой микрорайони ёки кварталини лойиҳалаш ва қуриш вақтида назарда тутилиши лозим. Бироқ шаҳардаги 134 та уй-жой микрорайонида маблағларни «тежаш» мақсадларида лойиҳачилар уларни қуришни назарда тутмаганлар. Буни лоқайдликдан бошқа нарса деб, баҳолаш мумкин эмас.

Лойиҳачилар ва қурувчилар айби билан таркиб топган аҳвол микрорайонлар ва кварталлар аҳолисини санитария тартибини бузишга мажбур қилмоқда.

«Аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария ҳолати қоидалари»га мувофиқ ахлат йиғиш учун майдончалар бўлмаган уй-жой микрорайонларида уй-жой органлари шундай майдонларни ўзлари жиҳозлашлари ва уларнинг жойланишини кўрсатиб, ихтисослашган автохўжаликлар билан шартнома тузишлари керак. Бироқ бунинг учун маблағлар, материаллар ва механизмлар, очиғини айтганда, кўпинча хоҳишнинг йўқлиги туфайли уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари бундай масалалар билан шуғулланмаяптилар.

Ҳисобларга кўра шаҳар территориясида рўзғор чиқиндиларини вақтинча сақлаш ва тўплаш учун 900 дан ортиқ майдонча керак. Бунинг учун 2—2,5 миллион сўм маблағ сарфлаш лозим. Ҳозирча шу маблағ ажратилмаяпти.

Шаҳар территориясининг санитария ҳолати муаммолари ҳақида гапирганда яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, шаҳарда 300 дан ортиқ кўп қаватли уйларда ахлат тушириладиган қувурлар ва ахлатни қабул қилиш камералар бор. Одатда бундай камералар олдига транспорт билан бориш жуда мушкул. Кўпчилигида борадиган йўл йўқ.

Яқин-яқинларгача рўзғор ахлатларини йиғиш ва ташиш ҳамда территорияларни механизмлар воситасида супуриш билан шуғулланадиган шаҳар хўжалигининг барча корхоналари ва ташкилотлари ягона «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш тресги составида эди. Бу трест ободонлаштириш бош бошқармасига бўйсунарди. Шундай шароитда бу корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоли масалалар ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек ҳал қилинмаса-да, ягона техника ва иқтисодий сиёсат амалга оширилар эди. Шаҳарнинг санитария ҳолатига оид масалалар комплекс ҳал қилинарди. Бироқ Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарори билан бу трест ўтган йилнинг апрелида тугатилди, район «Автодормехбаза»лари эса район ободонлаштириш бошқармалари составига киритилди. Рўзғор чиқиндиларини комплекс қайта ишловчи завод эса трест составидан чиқарилиб, бевосита ободонлаштириш бош бошқармаси ихтиёрига берилди.

Бироқ иш тажрибаси бундай қайта қуришнинг тўла ўринсиз эканлигини кўрсатди. Чунки у ихтисослашган автохўжаликларнинг мавжуд муаммоларини янада чуқурлаштирди ва бошқаришни ихтисослаштиришга путур етказди. Бюджетли ташкилотлар ҳисобланган район ободонлаштириш бошқармалари эса зарур ресурслар ва бошқарув аппаратларига эга бўлишига, билимдон мутахассислар билан комплектланганига қарамай район «Автодормехбаза»лари фаолиятини бошқаришнинг уддасидан чиқмадилар. Шунинг учун ҳам бундай район базалари ҳар қандай масалалар бўйича район ободонлаштириш бошқармаси ва район ижроия комитетларини четлаб ўтиб, бевосита ободонлаштириш бош бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Шаҳар санитария ҳолатини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган «Автодормехбаза»лар фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган айрим муҳим муаммолар ҳақидагина тўхталдик. Бошқа кўпгина катта-кичик масалалар ҳам бор. Уларни тез ҳал қилиш даркор. Бунинг учун зарур бўлган маблағни аямаслик лозим. Чунки у пировард натижада шаҳримиз муҳитини яхшилашга, унинг ҳавоси мусаффо бўлишига, демак тошкентликларнинг саломатлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади. КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида таъкидланганидек **«Табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги куч-ғайратларини ошириш,... экологик вазиятни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш энг муҳим вазифалардан биридир».**

## Назоратни бирлаштириш тарафдориман

**Мен давлат жамоатчилик назорати ягона системасини юзага келтириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. Бугунги кунда назорат қилувчи, текширувчи органлар керагидан ортиқча. Бунинг устига улар кўп ҳолларда бир-бирларини такрорлашади.**

**Шунинг учун бирлашган ягона текширув органларини ташкил қилишни таклиф этаман. Шу билан бирга партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳузуридаги турли текширув комиссияларини тарқатиб юбориш керак.**

**Ҳозирги пайтда халқ контроли комитетлари раислари халқ депутатлари Советларининг сессияларида тайинланади. Давлат-жамоатчилик текширув комитетларининг раҳбарларини ҳам тавсия қилинган бир неча номзодлар орасидан сайлаб қўйиш керак. Албатта уларнинг бу лавозимларни эгаллаб туриш муддатларини ҳам чегаралаб қўйиш зарур.**

**Е. Е. САМИГУЛИН,**
**Тошкент шаҳар халқ контроли комитети инспектори.**

# БУЙРУҚБОЗЛИКНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

ХАЛҚ маорифини қайта қуриш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида махсус муҳокама қилинди ва аниқ ишлар программаси белгилаб олинди.

Тезисларда ҳам халқ маорифи системасига муайян ўрин ажратилганлиги, жумладан: **«Бизнинг олий ва ўрта мактабимиз кўп жиҳатдан турмуш, фан-техника тараққиёти ва маданий ривожланиш талабларидан орқада қолди. Уни ривожлантиришда сифат ўзгаришларини таъминлаш учун бутун жамият зўр бериб куч-ғайрат сарфлаши керак бўлади»**, деб таъкидланиши айни муддаодир.

Мен шуни қайд этмоқчиманки, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг ўз ишларини сифатли ва мазмунли амалга оширишлари учун уларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш лозим. Токи биз таълим-тарбияда маъмурий буйруқбозлик усулидан батамом воз кечмас эканмиз, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатолмаймиз, уларнинг келгусида Шахс сифатида вояга етишишларини таъминлай олмаймиз.

Маълумки, кейинги йилларда қатор янги жамоат ташкилотлари вужудга келди. Албатта, улар қайта қуриш даврининг мевасидир. Истар эдимки, янги ташкил этилган мазкур жамоат ташкилотлари аввалгилари сингари ўз фаолиятларини расмиятчилик ва бюрократик тарзда эмас, балки чинакам демократик принциплар асосида олиб боришса.

Тағин бир таклифим: бизда халқ сайлаган депутатларнинг аксарият қисми пухта билим ва дунёқарашга эга эмас. Улар ўз сайловчиларининг топшириқларини тўла-тўкис бажараоладиган, охир-оқибатда эл-юрт олдида юзи шувут бўлмайдиган одамлар бўлиши лозим. Менимча, эндиликда сайловларда бирон-бир ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган, умум манфаатини ўз манфаати йўлида қурбон қилиб юборадиган кишиларнинг номзоди кўрсатилмаслиги керак.

Тезисларда Коммунистик партия ва жамиятимиз ҳаётининг жуда кўп масалалари қамраб олинган. Мамлакатимизда тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар — жамиятни революцион қайта қуриш ва янгилаш амалга оширилаётган бир пайтда КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги, бу борада ошкора мунозара юритилаётганлиги кенг халқ оммасининг ижодий активлигини, жамиятни бошқаришдаги ролини кучайтирмоқда.

**М. ЭГАМОВ,**
**Бекобод педагогика билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.**

## ФИЛАТЕЛИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН







# ЯНГИ МАРКАЛАР

СССР Алоқа министрлиги томонидан қайта қуриш даврига бағишланган 2 та почта маркаси ишлаб чиқарилди. Мазкур маркаларнинг бирида Кремлдаги Съездлар саройи фонида ёш ишчилар акс эттирилган. Чап томонда афсонавий «Аврора» крейсери билан революцион жангчилар отряди турибди. Иккинчи маркада эса КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш — омманинг жонли ижодиёти таянчидир»,— деган сўзлари ёзилган. Рассом Ю. Левиновский.

Рассом В. Корцев ижодига мансуб «Коммунистик партия ва Совет давлати арбоблари» сериясидаги марка революционер, мамлакатда Совет давлати қурилиши қатнашчиси И. А. Акупов туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб чиқарилган.

Шунингдек, Австралияда намойиш этилган «Экспо-88» кўргазмасида СССРнинг қатнашганлигини акс эттирувчи янги марка сотила бошланди. Мазкур кўргазма «Техника асрида бўш вақт» деб номланган. Маркада ана шу кўргазманинг эмблемаси ва совет бўлими ифодаланади. Бундан ташқари ёш оила ва уни ўраб турган теварак-атроф, гуллар, қушлар, булутларнинг шартли тасвири ҳам муваффақиятли чиққан.













Карл Маркснинг 170 йиллигига бағишланган маркада эса унинг портрети туширилган бўлиб, бадиий безаш ишларини рассом А. Гончаренко бажарган.

**И. ТЎЛАГАНОВ.**

*Пойтахт музейларида*

## АТОҚЛИ КОМПОЗИТОР ХОТИРАСИ

**ЯҚИНДА** атоқли композитор Мухтор Ашрафийнинг мемориал-музейи санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Композиторнинг туғилган куни муносабати билан унинг сафдош дўстлари ва шогирдлари, Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театрининг таниқли артистлари, студентлар машҳур санъаткорни хотирлаш учун бу ерга тўпландилар.

МАНА ОЛТИ йилдирки, композиторнинг мемориал музейида қизиқарли ижодий учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Мазкур хотира кечасида СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Тошкент Давлат консерваториясининг илмий ишлар бўйича проректори Т. Соломонова, консерватория доценти Д. Чахвадзе ва бошқалар бастакорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳаяжон билан сўзлайдилар. Сўнгра композитор асарларидан намуналар ижро этдилар. Концертда М. Ашрафийнинг қатор опералирида етакчи партияларни ижро этувчилар — СССР халқ артисти С. Қобулова, Д. Чахвадзе ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

**С. АЪЗАМХЎЖАЕВА,**
**музей илмий ходими.**

## МУЗЕЙГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тўйтепа шаҳридаги 30-ўрта мактабда 40 йил мобайнида ўқитувчилик қилган, ҳозир эса пенсияга чиққан Ҳакимқул ака Турсунқулов Тўйтепа ва унинг атрофида турли даврларда топилган 280 дан зиёд тарихий ёдгорликлар ва танга пулларни Ўзбекистон халқлари тарихий музейига тақдим этди.

Ҳакимқул ака тўплаган бу материаллар IX асрдан XX асргача Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида зарб қилинган ва савдо муомаласида ишлатилган кумуш, мис тангалар, сопол идиш парчалари ва заргарлик буюмларидан иборатдир. Бундан ташқари коллекцияда XIX-XX асрнинг бошларида ишлатилган Россия пуллари билан бирга Совет ҳокимияти қурилган дастлабки даврларда зарб қилинган ноёб тангалар ҳам бор.

**И. ТУХТИЕВ.**
**Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими.**

## ВЕТЕРАНЛАР ҚУВОНЧИ ВА АРЗИ

Нариманов шаҳридаги Янгибозор колхоз бозори территориясида «Отахонлар чойхонаси» қайта қурилиб, ишга туширилганидан биз қариялар хурсанд бўлдик. Чунки бир пиёла чой баҳона турли мавзуларда суҳбатлашишга нима етсин. Айниқса чойхоначи Алмат аканинг 200 нафар отахонга нисбатан самимий муносабати ва кўрсатаётган ҳурматини ҳар қанча мақтасак арзийди. Шунингдек, бу ерда миллий овқатлар тайёрлаш учун ҳам шароит мавжуд.

Шу билан бирга қатор эътироз ва мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас. Чойхонага яқин жойда оби-нон ёпиладиган новвойхона, сартарошхона йўқлиги ана шулар жумласидандир. Айниқса, кундалик газета-журналлар (яқин ўртада киоска йўқ) сотиб олиш учун анча овора бўляпмиз. Халқ депутатлари Нариманов шаҳар Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар бу тўғрида бизга амалий ёрдам кўрсатишларини истардик.

**Ушбу хатга имзо чеккан 13 нафар ветеран номидан.**

**Й. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.**

## ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ПАРКЕНТ районидаги «Прогресс» совхози ёшлари келгуси йилдан бошлаб спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишлари учун қулай имкониятларга эга бўладилар. Бу ерда ҳозир спорт комплекси қурилиши бошлаб юборилган. Комплекс учун икки гектар ер ажратилган бўлиб, ундаги футбол майдони сатҳига чим ёткизилди.

Спорт комплексида енгил атлетика, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ҳамда теннис мусобақаларини ўтказиш учун алоҳида майдончалар тайёрланяпти. Уни йил охиригача тўлиқ фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

● СПОРТ ● ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● ● СПОРТ ●

*Футбол бўйича Европа чемпионатида*

## МЕДАЛЛАР КИМГА ТЕГАРКИН?



Шундай қилиб, яримфиналчилар аниқланди. Биринчи группада ГФР ва Италия терма командалари ғолиб чиққан бўлса, иккинчи группада Совет Иттифоқи ҳамда Голландия футболчилари ҳал қилувчи ўйинларга йўлланма олдилар.

СССР терма командаси Англия футболчилари билан бўлган учрашувни ҳужумкорлик руҳида ўтказдилар. Ўйиннинг учинчи минутидаёқ С. Алейников ҳисобни очди. Шундан сўнг О. Протасов ва И. Белановлар ҳам рақиблар дарвозаси олдида жуда хавфли вазиятлар вужудга келтирдилар. Бироқ кўп ўтмай Т. Адамс ҳисобни тенглаштирди. Танаффусдан кейин А. Михайличенко ва В. Пасульколар ҳисобни 3:1 га етказдилар.

Машҳур футбол юлдузи Йохан Круифф «Голландия — СССР ўйинида енгилган команда ярим финалда курашишни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлади» деган эди. Унинг бу қатъий фикрига В. Лобановскийнинг муносабати қандайлигини сўрашганда СССР терма командасининг устози «Мен бундай фикрда эмасман. Ҳал қилувчи ўйинлар ҳали олдинда» деб айтган эди. Кейинги мусобақалар В. Лобановский фикрининг тўғрилигини тасдиқлади. Голландияликлар учинчи турда Ирландия командаси устидан қийин ўйинда енгиб чиқиб (учрашув тугашига оз қолганда В. Кифт ҳал қилувчи тўпни киритди), группада иккинчи ўринни эгаллашга эришдилар. Турнирда уч очко олган ирландияликлар яримфиналда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

СССР терма командаси группа ғолиби бўлиб, Штутгарт яқинидаги ўз штаб квартирасида қолди. Руит шаҳарчасидаги спорт базасида футболчиларимиз учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Командамиз шаҳар меҳмонхоналарини эмас, чеккадаги кичкинагина ана шу сокин жойни нечун танлаган эди? Маълум бўлишича, бу ерда бир неча йил бурун Киевнинг «Динамо» командаси тўхтаган, бу комплекс йигитларимизга ёқиб қолган экан. Асосан киевлик футболчилардан ташкил топган терма команда ҳам ўзига қадрдон бўлиб қолган ана шу жойни афзал кўрди. Энди йигитларимиз навбатдаги рақибларини ҳам Штутгарт стадионида қабул қиладилар.

Яримфиналда Европа чемпионатидаги энг ёши улуғ команда — СССР футболчилари (уларнинг ўртача ёши 27,6) билан турнирнинг энг ёш командаси Италия спортчилари (уларнинг ўртача ёши 25 да бўлиб, ГФРга йиғилган саккиз команда ўйинчиларининг энг кенжатойи 19 ёшлик Паоло Мальдини ҳам шу командадан) учрашуви катта қизиқиш туғдирмоқда. Италияликлар тренери А. Винчини чемпионат бошлангунча журналистларга берган интервьюларидан бирида Европа биринчилигига у асосан жаҳон чемпионатига тайёргарлик босқичи деб қараётганлигини айтган эди. Маълумки, жаҳон биринчилиги икки йилдан сўнг унинг юртида бўлади. Лекин энди Италиянинг ёш командаси устози бу турнир медаллари тўғрисида ҳам астойдил ўйламоқда. Унинг ишончига ишонч қўшаётган яна бир сабаб бор. Шу йил баҳорида бу команда ўз майдонида бўлган ўртоқлик учрашувида совет футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлуб қилган эди. Лекин олдинги ҳисоб-китоблар энди инобатга ўтмайди... Бугун Гамбургда ГФР-Голландия, эртага эса Штутгартда СССР-Италия футболчилари медалларни ўйлаб майдонга тушадилар.

**М. СОАТОВ.**

## ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИГА

● **«ПАХТАКОР» футболчилари чемпионатнинг навбатдаги учрашувини сафарда Никополнинг «Колос» командаси билан ўтказишди. Учрашувда ҳисоб очилмади. Тошкентлик футболчилар қўлга киритган 1 очколари туфайли турнир жадвалида икки поғона юқорига кўтарилишди. Негаки шу турда «Пахтакор»дан юқорида бораётган Ростов-Доннинг «Ростсельмаш» ва Абовяннинг «Котайк» командалари мағлубиятга учрадилар. «Ростсельмаш» ўз майдонида Риганинг «Даугава» клубига 1:3 ҳисобида ютқазган бўлса, «Котайк» Батумида «Динамо» дарвозасига киритган учта тўпи ҳам уни мағлубиятдан сақлаб қололмади. Абовян футболчиларининг уч тўпига майдон эгалари 5 та тўп билан жавоб қайтаришди.**

**Биринчи лига коллективлари ўртасида пешқадамлик қилаётган «Помир» яна икки очкони қўлга киритди. Душанбалик футболчилар Запорожьеда «Металлург» командасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, очколарини 25 тага етказишди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Динамо» (Ст) — «Геолог» — 5:1, «Спартак» — «Звезда» — 1:2, «Шинник» — «Ротор» — 1:1, «Таврия» — АСК (РД) — 1:1, «Заря» — АСК «Карпати» — 1:3, «Гурия» — «Кубань» — 4:1.**

**«Пахтакор» футболчилари навбатдаги учрашувни 27 июнда Душанба шаҳрида «Помир» командаси билан ўтказишади.**

**ЧЕМПИОНЛАР САФИДА**

**Эркин кураш бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари Красноярск шаҳрида бўлиб ўтди. Тошкентлик Махарбек Хадарцев 90 килограммгача вазнда биринчи ўринни эгаллаб чемпионлик шохсупасига кўтарилди.**

Редактор
Н. НАСИМОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ**

**26 июндан 8 июлгача**

**Автобус билан «Иссиқкўл» дам олиш зонасига мароқли сафарга**

## ТАКЛИФ ЭТАДИ

Путёвканинг тахминий баҳоси — 180 сўм.
Қишлоқ типидаги меҳмонхонада ётиш, хусусий уй-жой секторида яшаб турилади.

Дам олиш зонасига бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:** Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 5-хона.

**ТОШКЕНТДАГИ 56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**йигирувчи, тўқувчи, калаваловчи, хом ип тайёрловчи, ип эшувчи, тароқловчи, ўровчи, касблари бўйича ўқишга**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ўқиш муддати — 1-3 йил.**

Ўқишга 8-10 синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йил таълим оладиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош; 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва база корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм устама ҳақ билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

3 йил таълим олган ўқувчилар билим юртини тугатгач касб ўрганиб чиқиши билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга техникумлар ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

**Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти ўз ётоқхонасига, спорт комплексларига эга, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

**Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:** ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда ), характеристика, яшаш жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.

**МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

**Адрес:** 700198, Тошкент шаҳар, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5«Б» квартали, 51-уй (37э, 45,55,104,111-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30, 31-маршрутли таксиларнинг «Диспетчерская» бекати).

Телефонлар: 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09, 90-62-24.

**16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**
**1988-1989 ўқув йили учун**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ УЧУН ТАРОҚЛОВЧИ, ХОМ ИП ТАЙЁРЛОВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ, ТЎҚУВЧИ КАСБЛАРИДАГИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ.**

Ўқиш муддати 8-синфни битирганлар учун — 3 йил, 10-синфни битирганлар учун — 6 ойдан 1 йилгача.

3 йил таълим оладиган ўқувчиларга ўқиш даврида 3 маҳал овқат, кийим-бош берилади. Билим юртини тамомлагач улар ўрта маълумот ҳақидаги диплом оладилар ва уларга эгаллаган малакаси юзасидан разряд берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

6 ой ва бир йил муддат билан таълим оладиган ўқувчиларга ойига 70 сўм стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

**Ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

Билим юртини аъло диплом билан тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига ва техникумларга ўқишга киришда алоҳида имтиёздан фойдаланадилар. Комбинат қошида политехникум филиали мавжуд. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун билим юртида тўқиш, бичиш ва тикиш тўгараклари, драма тўгараги, спорт секциялари ишлаб турибди, шунингдек улар учун тўқимачилар маданият саройининг эшиклари очиқ, «Текстильщик» спорт комплекси уларнинг ихтиёрида, комбинат қошида профилакторий, Тошкент денгизида дам олиш зонаси бор.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади:** директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги ҳужжат, таржимаи ҳол, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

**АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ, ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Фрунзе райони, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 80, 97-автобуслар; 25, 32-маршрутли таксиларнинг «16-СПТУ» бекати). Телефон: 55-44-85.

«УЗКУЛЬТОРГ»НИНГ РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ИДОРАСИ
**«УЗКУЛЬТОРГ»нинг Тошкент областлараро базаси директори вакант вазифасига**
**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Конкурс муддати — 27 июнгача.**
Адрес: Тошкент шаҳри, Радость кўчаси, 5-уй,

**Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг**
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ХЎЖАЛИГИДА
**юқори сифатли «Судья Узбекистанский» карам нави уруғи**
**СОТИЛАДИ**

Бизнинг адрес: Тошкент области, Тошкент райони, Киров қишлоқ Совети, Кўксарой алоқа бўлими.

## ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Октябрь бозорида жойлашган «ШАРҚ ГУЛИ» магазини Сизларни сувенирлар харид қилишга чорлайди.

Бу ерда сотиб олинган ҳар бир буюм Сизга бизнинг қуёшли ўлка ҳақида, унинг қадимий халқ анъаналарига бой ўзига хос маданияти ҳақида эслатиб туради.

Европаликлар учун ғаройиб туюлган ёрқин, ранг-баранг сопол буюмлардан — пиёлалар, косалар, лаганлар, кўзалар.... Диққатингизни ўзига тортувчи ипак билан тикилган шоҳи сўзаналар, гулкўрпалар, чойшаб, кирпич, зардевол. Булар уйингизга шарқона руҳ бахш этади. Мана бу миллий ўзбек дўпписи эса энг машҳур сувенир совғасидир. Аёллар, эркаклар ва болалар учун истаганингизни танланг: ипак, мунчоқ, зарҳал ип билан тикилган турфа хил дўппилар Сизга мунтазир.

**«ШАРҚ ГУЛИ» фирмали магазини Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг маҳсулотларини харидорлар эътиборига ҳавола қилади.**

Тикувчилик, трикотаж ва бадиий буюмлар — дўппилар, керамика, ўймакорлик буюмлари, заргарлик тақинчоқлари, миллий газламалар, зардўзлик буюмлари, суякдан ва шохдан, пластмасса ва ёғочдан ясалган буюмлари шулар жумласидандир.

**«ШАРҚ ГУЛИ» МАГАЗИНИГА бориш учун 7, 8, 11, 16-трамвайлар, 4-троллейбус ҳамда 28э-автобус билан, «Октябрь бозори» бекатигача борилади.**



**«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

## «ОРБИТА-СЕРВИС» СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

**Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарлари аҳолисининг маиший радиоэлектрон аппаратураларига фирмали техник хизмат кўрсатувчи «Орбита-сервис» техника марказлари қуйидаги ишларни бажаради:**

Аппаратураларни олиб келиб беради;
Маиший радиоэлектрон аппаратураларга техник хизмат кўрсатиш ва ремонти юзасидан буюртмалар қабул қилади;
Аппаратураларни уйда ўрнатиб беради;
Аппаратураларни кафолатли ва пулли ремонт қилади.
Телерадиоаппаратура харидорларига уларни «Орбита-сервис» техника марказининг вакиллари текшириб кўрганидан сўнг харид қилишни тавсия этамиз.

**Техника марказларининг адресини эслатамиз:**
**Чирчиқ шаҳрида: 9-микрорайон, 30-уй.**
Телефон 5-04-07.
Иш вақти соат 10 дан 17 гача, шанба ва якшанба кунлари соат 9.30 дан 14 гача.

Дам олиш куни — душанба.

**Олмалиқ шаҳрида: Кимёгарлар шаҳарчаси, Маиший хизмат уйи.**

Телефон 3-76-54.
Иш вақти соат 10 дан 19 гача.
Танаффус соат 14 дан 15 гача.
Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.




„ОРБИТА-СЕРВИС"

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ОРБИТА-СЕРВИС» ТЕХНИК МАРКАЗИ.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 16707 А. 1624. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12